

# НОК НАВЛАРИНИ ДЕГУСТАЦИОН БАҲОЛАШ

Рустамова Гулрабо Абдуллаевна,

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти  
Самарқанд илмий тажриба станцияси илмий ходими, докторант,  
ORCID: 0009-0004-0440-2522

Ўтаганов Муслимбек Улугбек ўғли,

Ixlos school илмий ходими,  
ORCID: 0009-0009-5375-1936

**Аннотация.** Мақолада нок навлари меваларининг истеъмолбон этилган даврида дегустацион баҳолаш асосида уларнинг товарбоплик сифати аниқланган. Олинган маълумотлар асосида навларнинг селекциядаги аҳамияти бўйича тавсиялар берилди.

**Калим сўзлар:** нок, нав, дурагай, янгилигида, дегустация, балл, баҳо, ташиқи кўриниши, хушбўй.

**Аннотация.** В статье основе дегустационной оценки плодов груши в стадии потребительской зрелости определено их товарное качество. На основании полученных даны рекомендации относительно значения сортов в селекции.

**Ключевые слова:** груша, сорт, гибрид, новизна, дегустация, балл, оценка, внешний вид, аромат.

**Abstract.** In the article, based on the tasting evaluation of pear varieties at the stage of consumer ripeness, their market quality was determined. Based on the obtained data, recommendations were provided regarding the significance of the varieties in breeding.

**Keywords:** pear, variety, hybrid, novelty, tasting, score, evaluation, appearance, aroma.

**Кириш.** Нок – меваси кўпчилигининг сеvimли мева тури ҳисобланади. Унинг ёқимли таъми инсон организми учун жуда фойдалидир. Бу ширин ёқимли мева ўзида кўп миқдорда клетчатка, ички овқат ҳазм қилиш системасида, токсин ва шлакларни чиқиб кетишини таъминлайди. Ушбу мева антиоксидантлар ва витаминларга бой бўлиб, ундаги витамин С организмни қон томир касалликларида, турли шамоллашларда иммунитет танқислиги ва ҳатто инсон организмни ёшартириш мумкин.

Нок навларининг маҳсулдорлиги, унинг бир қанча техник жиҳатлари, сифати ва озиқчилиги ҳамда экспортбоплиги билан баҳоланади. Органолептик баҳолаш орқали меванинг ташқи кўриниши, таъми ва тузилиши аниқланади ва баҳоланади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчилар учун мева сифатининг энг асосий белгиларидандир. Мевачилик соҳасида навларни дегустация усули муҳим аҳамиятга эгадир, чунки меванинг бозорбоплиги ва истеъмолчилар томонидан талаб юқори бўлиши, аввало унинг ташқи кўриниши, ранги, таъми, хушбўйлиги ва этдорлиги билан бевосита боғлиқдир. Селекция жараёнида ҳам дегустация кўрсаткичлари катта мезон сифатида хизмат қилади: янги нав ёки дурагайларни танлаб олишда уларнинг дегустация баҳоси ҳақида маълумотлар бўлиши талаб қилинади.

Нок навларининг агробиологик хусусиятлари Қримнинг тоғолди худудлари шароитида ўрганилганда истиқболли деб - Старкримсон, Мраморная, Красивая, Молдавская Ранняя, Меллина, Дево, Выставочная, Осенняя Костыка, Артемовская Зимняя, Жанна д'Арк, Киргизская Зимняя, Лакомка, Баллет навлари тавсия этилган [3].

Самарқанд вилояти шароитида ҳам сўнгги йилларда нокнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навлари кенг тарқалмоқда. Бироқ, турли нав ва дурагайлар ўртасидаги мева сифати, таъми ва ташқи кўринишида катта фарқлар кузатилади. Шу сабабли дегустация орқали баҳолаш ушбу фарқларни илмий асосда аниқлаш, энг юқори органолептик кўрсаткичларга эга бўлган навларни танлаш ва уларни иш-

лаб чиқариш ҳамда селекция жараёнларига жорий этишда муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ушбу тадқиқотда турли нок навлари меваси дегустация йули билан баҳоланди ҳамда уларнинг органолептик кўрсаткичлари аниқланди.

**Материаллар ва услублар.** Ўрганилаётган нок навларида дегустацион баҳолаш Е.Н. Седов, Т.П.Огольцованинг “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” (1999) услубий қўлланмалари асосида олиб борилди [4].

**Натижалар ва мунозара.** Дегустация ўтказилган нок навлари 3 хил – ёзги, кузги ва қишки муддатда пишади. Нок меваларининг назорат навга нисбатан олинган намуналарда ёзги Вильямс красный (назорат) меванинг ташқи кўринишига берилган баҳо 4,5 баллда, Подарок ва Вильямс навларида 4,5 ва 4,3 балларда баҳоланиб, Любимица клаппа, Старкримсон ва Ласточка навларида меваларнинг жозибадорлиги 4,0 баҳо билан баҳоланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, меваларнинг рангдорлиги ҳам муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, юқорида келтирилган навларда меванинг сариқ ва қизил ранглар билан ўзига жалб қилиши, жозибадор рангдорлигини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Куз ойларида пишадиган навлар назорат нав Сеяниц Кифферга нисбатан Санта Мария нави ўзининг жозибадор кўриниши 4,0 баҳода, Осенняя Павлова нави ҳам 4,0 баҳода баҳоланиб, бу кузги навлар назоратга нисбатан ўзининг жозибадорлиги билан ажралиб чиқди.

Қишки навларнинг Ношвати №2 назоратдаги нав, Трунч, Кюре навлари оч-сариқ рангда оч қизил рангларда, транспортбеллиги, товар кўрсаткичлари, сақлаш муддатлари юқори бўлиб, жозибадор навлардир.

Юқорида келтирилган ёзги, кузги ва қишки навлар ташқи кўриниши, жозибадорлигини баҳолашда 4,0 ва 4,5 балларда баҳоланди.

Ташқи кўринишининг ҳолати меванинг пишганлик даражаси ҳисобланади. Олинган намуна мевалар тўлиқ пишган (етилган) ҳолатда дегустацион баҳоланган. Ёзги Вильямс красный

## Нок мева навларининг дегустация натижалари

| т/р                 | Навлар номи               | Ташқи кўринишининг жозибadorлиги (1-5 балл) | Мева эти консистенцияси | Мева этининг серсувлиги | Таъм баҳоси  | Мева аромати (хушбўйлиги) | Таъмининг ёқиши, (1-5 балл) | Мевани умумий баҳоси, (1-5 балл) |
|---------------------|---------------------------|---------------------------------------------|-------------------------|-------------------------|--------------|---------------------------|-----------------------------|----------------------------------|
| <b>Ёзги навлар</b>  |                           |                                             |                         |                         |              |                           |                             |                                  |
| 1.                  | Вильямс Красный (назорат) | 4,5                                         | майин                   | серсув                  | нордон-ширин | ўртача ароматли           | 4,5                         | 4,5                              |
| 2.                  | Подарок                   | 4,5                                         | майин                   | серсув                  | ширин-нордон | ўртача ароматли           | 4,7                         | 4,6                              |
| 3.                  | Бере Жаффер               | 3,5                                         | мойсимон                | серсув                  | ширин-нордон | ўртача ароматли           | 3,5                         | 3,5                              |
| 4.                  | Любимица клаппа           | 4,0                                         | майин                   | серсув                  | ширин        | ўртача ароматли           | 4,5                         | 4,5                              |
| 5.                  | Старкримсон               | 4,0                                         | майин                   | серсув                  | ширин        | ўртача ароматли           | 4,5                         | 4,5                              |
| 6.                  | Ласточка                  | 4,0                                         | майин                   | серсув                  | ширин        | кучсиз ароматли           | 4,3                         | 4,1                              |
| 7.                  | Вильямс                   | 4,3                                         | майин                   | серсув                  | нордон-ширин | ўртача ароматли           | 4,2                         | 4,2                              |
| <b>Кузги навлар</b> |                           |                                             |                         |                         |              |                           |                             |                                  |
| 8.                  | Сеянец кеффер (назорат)   | 3,0                                         | майин                   | серсув                  | нордон-ширин | кучсиз ароматли           | 4,0                         | 3,5                              |
| 9.                  | Осенная Павлова           | 4,0                                         | майин                   | серсув                  | нордон-ширин | ўртача ароматли           | 4,5                         | 4,5                              |
| 10.                 | Санта Мария               | 4,0                                         | майин                   | серсув                  | ширин        | ўртача ароматли           | 4,4                         | 4,5                              |
| <b>Қишки навлар</b> |                           |                                             |                         |                         |              |                           |                             |                                  |
| 11.                 | Ношвати № 2 (назорат)     | 4,0                                         | ўртача тигиз            | серсув                  | ёқимли       | кучсиз ароматли           | 4,2                         | 4,1                              |
| 12.                 | Левовассер                | 3,4                                         | ўртача тигиз            | серсув                  | нордон-ширин | кучсиз ароматли           | 4,6                         | 4,0                              |
| 13.                 | Трунч                     | 4,0                                         | майин                   | серсув                  | ширин-нордон | кучсиз ароматли           | 4,0                         | 4,1                              |
| 14.                 | Роял Зимний               | 3,0                                         | ўртача тигиз            | серсув                  | нордон-ширин | ўртача ароматли           | 4,0                         | 3,5                              |
| 15.                 | Кюре                      | 4,2                                         | майин                   | серсув                  | нордон-ширин | кучсиз ароматли           | 4,2                         | 4,2                              |

назоратга нисбатин олинган Ласточка ва Любимица клаппа навлари ажралиб чиқди. Кузги Сеянец Киффир назорат навига нисбатан Осенная Павлова нави дегустация балларида яхши баҳоларда ажратилди. Қишки навларга Ношвати № 2 назорат навига нисбатан Рояль зимний, Трунч ва Кюре нави ажралиб чиқиб, ўзини бошқа навларга нисбатан афзалликларини кўрсатди (1-жадвал).

**Хулоса ва таклифлар.** Нок меваларининг сифат кўрсаткичларини баҳолашда дегустация жараёни муҳим

аҳамиятга эга. Дегустацион баҳолашда нок навлари ичидан ажратиб олинган навлардан ёзги навлар Бере жаффер, Подарок, Любимица клаппа ва Старкримсон навлари, кузги нав Осенная павлова нави, қишки навлар Левовассер, Трунч, Рояль зимний ва Кюре навлари ўзининг ташқи кўринишининг жозибadorлиги, пишиш муддатлари, мевасининг этдорлиги, десерт таъмилиги, хушбўйлиги ва таъмининг ёқимлилиги билан келгусида селекция учун бирламчи материал сифатида тавсия этилади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Батуева Ю.М., Гусева Н.К. Оценка интродуцированных сортов груши по основным хозяйственно-биологическим показателям. // Вестник Алтайского государственного аграрного университета № 5 (139), 2016. – С. 25-28.
2. Кагазежева А.А. Исследования технологических признаков восточно-азиатских сортов груши. // Аграрный вестник Урала №1 (80), 2011. – С. 53-55.
3. Коваленко Л.В. Агробιοлогическая оценка сортов груши в условиях предгорной зоны Крыма. // Сборник научных трудов ГНБС. 2015. Том 140. – С. 158-168.
4. Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур (под ред. Седова Е.Н., Огольцовой Т.П.). – Орёл, 1999. – С. 173-176.
5. Тарасова Г.Н., Тележинский Д.Д. Новые сорта груши для Среднего. // Современное садоводство – Contemporary horticulture. 2018. №3. – С. 33-38.